

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда вояга етмаган жабрланувчиларни ижтимоий ҳимоялаш

Маълумки, шахснинг ахлоқий ва хулқий хусусиятлари, унинг дунёқарашининг шаклланиши ва характериға ёмон таъсир қиладиган жамият ҳаётда мавжуд бўлган комплекс салбий ҳодисалар ва воқеалар натижасида ўзгариб туради. Жиноятдан жабр кўрганларни тушуниш учун уни бошқа шахслар билан бўладиган алоқаларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. Вояга етмаганларнинг зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчи бўлиб қолишларида ижтимоий муҳитнинг ўрни жуда каттадир.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар ўртасида бу турдаги жиноятларнинг жабрланувчиси бўлиб қолганлик шарт-шароитларини тадқиқ қилиш бўйича олдимизга қўйилган вазифаға мувофиқ бу муаммони ҳал қилишда вояга етмаганлар шахсини чуқурроқ ўрганиб чиқиш зарурияти ҳам вужудға келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шахсдаги жамиятдаги хилоф хусусиятлар у жиноят содир этиш пайтидан бирданиға пайдо бўлиб қолмай, балки бундан анча олдин ҳам шаклланган бўлади.

Криминологларнинг тадқиқотларига кўра, ўсмирлар ва ёшлар жиноятчилиғига ва уларнинг жабрланувчи бўлиб қолишларига 200 га яқин омил таъсир қилади. Буларнинг энг асосийси- бола яшаётган оиланинг таъсиридир.¹

Жабрланган вояга етмаган ўсмир ёшларға ҳам, кўп ҳолларда жабрланувчи бўлиб қолишларига ижтимоий муҳит ўз таъсирини ўтказади. Жумладан, шахснинг хулқида жамиятға хилоф хусусиятларининг шаклланиши кўпроқ оилада содир бўлади, чунки айни оила инсон ахлоқий шаклланишининг биринчи ва асосий жойи ҳисобланади.

Оила инсонинг шаклланишида асосий рол ўйнайди. Инсонинг болалик ва ўсмирлик даври унинг шаклланишида ҳал қилувчи давр бўлиб, бу даврда шахсни оиладан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Оила ўзида ижтимоий маиший муҳитнинг кенг ва асосий хусусиятларини мужассамлаштирган бўлиб, улар бола тарбиясида,

* ТДЮИ доценти, ю.ф.н.

¹ Таранов.С. 200 факторов риска. “ Известия” 1988, 30 август.

унинг шахси сифатида ахлоқий шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Нормал оила тарбияси доирасидан четга чиқиш жамият нуқтаи назаридан қараганда, ижтимоий тарбия нормаларининг қуйидаги соҳаларида бузилишига олиб келиши мумкин:

а) оиланинг моддий ва маиший шароитида; б) унинг таркиби ва тузилишида; в) оиланинг ахлоқий сифатларида; г) тарбиянинг педагогик жиҳатларида, шунингдек оиланинг мактаб билан бўладиган алоқаларида.² Бизнингча вояга етмаганларнинг турли жиноятларда, жумладан, жинсий жиноятларда ҳам оиланинг ахлоқий сифатлари ҳам ўз навбатида таъсирини ўтказди. Бу борада вояга етмаганларнинг жинсий жиноятлардаги виктимлигига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўтказилган кузатишларга қараганда, 28, 7% ҳолатларда жабрланувчиларнинг виктим хулқи жиноят содир этилишига сабаб бўлган. Номусга тегиш жинояти бўйича 29% ҳолатларда - вояга етмаган жабрланувчилар ўзларининг енгилтак хулқ-атвори билан тавсифланган, 15% ҳолатларда эса уларга жамоатчилик томонидан салбий тавсиф берилган. Шунингдек, жинсий жиноятларда болаларнинг виктимлиги ҳам юқори ҳисобланиб (масалан, биргина ГФРнинг ўзида ҳар йили болаларга қарши қаратилган 8000 га яқин жинсий жиноятлар рўйхатга олинади³), бундай виктимлик аксарият ҳолатларда ички оилавий можаролар ва болаларнинг назоратсиз ҳолда қолдирилишидан келиб чиқади⁴.

Шунингдек, ёш қизлар, вояга етмаганлар зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятларнинг ҳам қурбонларига айланиб бормоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий тарихнинг қисқа давр мобайнида жиноят қурбонларига нисбатан муносабат кўзга кўринарли позитив ўзгаришларни бошидан кечирди. Биргина одам савдосидаги вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш масаласига тўхталадиган бўлсак, қурбонларнинг нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий мақомини ҳам ошишига олиб келмоқда. Қурбонларга нисбатан юқори даражадаги эътибор билан, манфаатли ва ҳурмат юзасидан муносабатда бўлиш тўғрисидаги ривожланган дунё томонидан биринчи навбатда ва ҳамкорликда қабул қилинган тамойилни кундаланг қилиб қуйди.

² Қаранг: Личность преступника.М., Юридическая литература, 1975, с. 79.

³ Bohndorf, D. Mord, Raub, Terror, Drogen ... Kriminalität im Imperialismus heute / Dieter Bohndorf, Reinhard Gelbhaar. Berlin, 1987. - S. 44.

⁴ Schwind, H.-D. Kriminologie: e. praxisorientierte Einf. Mit Beispielen / von Hans- Dieter Schwind. – 2, durchges. u. aktualisierte Aufl. Heidelberg, 1988. - S. 266.

Жиноятчининг шахсига асослантирилмаган йўналишнинг тан олиниши (жиноят қурбонинг манфаатига зарар) ўз ўрнида молиявий воситаларни ва жабрланувчилардаги ёрдам кўрсатиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ташкилий таъсир чораларини қайта тақсимлашни талаб қилди.

Чунки бугунги кунда бутун дунёда инсонларни камситиш, ҳуқуқларни тан олмаслик, зўрлик ишлатиб содир этиладиган ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бормокда. Мисол тариқасида АҚШни олиб кўрадиган бўлсак, ҳар йили вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик бўйича 150-200 минг ана шундай зўрлик ишлатилган ҳолатлар аниқланар экан. Англияда 10 фоиздан 30 фоизгача аёллар болалик ва ўсмирлик пайтидан зўрлик, таҳқирлаш ва жинсий зўравонлик жабрини тортишганини, кўплаб ҳолатларда улар жиноятчиларнинг юз тузилишларини аниқ кўришмаганини билдиришган.

Россияда бу рақам 7- 8 мингни ташкил этади. Вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик ишлатиш мақсадида фойдаланиш учун эса Украинадан бир неча гуруҳга бўлинган ҳолда етим болалар океан ортидаги ривожланган давлатларга юборилган.⁵

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Россия Федерацияси Жиноят кодексида шахсларни қул қилиб сақлаш учун ва вояга етмаганлар савдоси учун жиноий жавобгарликни белгиловчи қўшимча меъёр киритилди. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 152- моддаси вояга етмаганлар савдоси учун жиноий жавобгарлик масаласи белгилангадир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи модда мавжуд эмас. Аммо ЖК нинг махсус қисмида шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар акс эттирилган бобда “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” деган меъёр мавжуд. Ушбу жиноятнинг объекти бевосита шахснинг озодлиги билан боғлиқ шаъни ҳисобланиб, бу жиноят “ шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллашдир”. Бундаги “бошқа мақсадларда фойдаланиш учун” деган тушунча одам савдоси билан шуғулланиш деган тушунчани ҳам англатади.

Ушбу 135- модданинг 2-қисмида “ ўша ҳаракат;

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдинида тил бириктириб;

⁵ “Труд” газетаси 2003 йил 26 март ва 15 июль сонлари.

в) вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган бўлса;

3-қисми эса, ўша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса деб берилган бўлиб, оғирлаштирувчи ушбу ҳолатдаги вояга етмаганларга нисбатан содир этилиши, вояга етмаганинг савдоси билан боғлиқ масалани ўзида ифода этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар савдоси ва уларни шу йўлда шахвоний мақсадларда фойдаланиш зўрлик ишлатиб содир этилади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 1-қисмини қўйдаги тахрирда беришни таклиф этамиз “ шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун зўрлик ишлатиш ва алдаш йўли билан одам ёллаш” -деб, моддани бундай талқинда берилиши вояга етмаганларга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятлар учун жавобгарликнинг қатъий меъёрини белгилашдир. Чунки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятнинг кўп қурбонлари, яъни жабрланувчилари вояга етмаганлардир.

Вояга етмаганлар жиноят қурбонларини турли тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳужжатлар ўз навбатида умумий ўзига хос йўналишга эгадир.

БМТ нинг 1989 йилда қабул қилиниб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясининг 19-моддаси 1-бандида шундай дейилган: “Иштирокчи-давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўровонликнинг, ҳақоратлаш ва суиистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомала қилиш ёки ота- она, қонуний васийлар ёки бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора- тадбирларни кўрадилар, шунингдек, ушбу модданинг иккинчи бандида бундай ҳимоя чоралари, зарурат туғилган тақдирда, бола ва унинг ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётган шахсларни лозим даражада қўллаб-қувватлаш мақсадидаги ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш учун самарали тартиб-русулларни, шунингдек, бола билан юқорида кўрсатилган тарзда шафқатсизларча муомала қилиш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш, хабар бериш, қараб чиқиш, тергов олиб бориш, даволаш ҳамда шундан кейинги чораларни кўриш зарурати

туғилган тақдирда, суд ишини кўзғатиш учун чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади”, деб ўтилган.

Халқаро ҳужжатларнинг бундай талқин қилишнинг умумий ўзига хос йўналиши бўлиб, қурбонлар билан муомала қилишнинг халқаро стандартларини белгилаб берган, 1985 йилдаги қабул қилинган “Жиноят қурбонларига ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишга нисбатан одил судлов юритишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги БМТ Декларацияси ҳисобланади. Улар орасида ҳуқуқий ва маъмурий ҳимоя механизмига кириш, адолатли муносабатда бўлиш, маълумотларга эга бўлиш, зарарни қоплаш ва компенсацияга бўлган ҳуқуқ, шунингдек ижтимоий хизматларнинг кенг тизимидан фойдаланишга қаратилган нормаларга алоҳида ажратилган. Декларациянинг нафақат биринчи бўлимининг номи – “Одил судловга кириш ва адолатли муносабатда бўлиш”, балки унинг нормаларини тажовуз қурбонларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилгандир. У ёки бу мамлакатларининг миллий қонунчилигида жабрланувчининг ҳуқуқий ҳолатини умумий контекстдан ташқарида таҳлил қилиш қийин бўлган, мазкур бўлимнинг (4 ва 6 қ.қ) айрим ҳаволаки ҳолатлари қуйидагилардир:

“Қурбонларга нисбатан ҳамдардлик билан муносабатда бўлиш ва уларнинг шаънини ҳурмат қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам бериш тизимини такомиллаштиришдир. Улар одил судлов механизми билан танишиш ва уларга етказилган зарарни тезлик билан қоплатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд ва маъмурий процедура (идора) лар кўп ҳолларда қуйидаги йўллар билан қурбонларнинг талабларига жавоб бериши учун ҳаракат қилиши керак:

а) айниқса оғир жиноятчилик ҳолатларида, шунингдек қурбонлар томонидан маълумотлар сўралганида, уларга ўзларининг роли ва ҳажми тўғрисидаги, суд мажлисининг ўтказилиш ва бориш муддатлари ва улар ишларининг кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш.

б) жиноий одил судловнинг тегишли миллий тизимига мувофиқ ва қурбонларнинг шахсий манфаатларига таъсир этувчи, айбланувчиларга нисбатан зарар келтирилмаган ҳолларда қурбонларнинг фикр ва истакларини баён қилиш, кўриб чиқиш имкониятини суд мажлисининг тегишли босқичларида таъминлаш.

в) бутун суд мажлиси давомида қурбонларга тегишли ёрдам кўрсатиш.

г) қурбонлар учун уларнинг маълумотларига кўра минимал ноқулайликлар, зарур бўлганда уларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек уларнинг оилалари хавфсизлиги ҳамда у томондан ва унинг ҳимоясидаги гувоҳларни қўрқитишдан ҳамда ундан ҳимоя қилишга қаратилган чораларини кўриш.

д) ишларни кўришда оқланмаган ушланишларга чек қўйиш ва қурбонларга компенсация тўлаш тўғрисидаги қарорларни бажариш.”⁶

БМТ Декларациясининг мафкураси нисбатан ривожланган мамлакатларнинг қонунчилигида ўз ифодасини топган. Уни акс эттиришнинг даражаси ва турли шакллари кўп ҳолларда бир қатор мамлакатлар миллий қонунчилигининг ривожланиш тенденцияларини белгилаб берибди. Мазкур муҳим ҳужжатнинг асосий ғоялари ва қарашлари сайёранинг турли бурчакларида ва кейинчалик, айниқса ижтимоий сиёсий ривожланишнинг ўтиш давридаги мамлакатларда ҳуқуқий тизим ислохотларини белгилаб беради.

Мазкур ишнинг умумий контекстидаги жиноят қурбонларининг ҳуқуқий мақомини таққосий таҳлил қилиш бир қатор сабабларга кўра амалий режа учун аҳамиятга молик қийинчиликларни туғдиради. Улардан энг асосийлари фактик жиҳатдан қурбонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ҳаракати лидерлари саналувчи давлатлардаги ҳуқуқий тизимнинг стихиялиги ва турли-туманлиги билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, муаммо шундан иборатки, ушбу мамлакатларда жиноятларнинг қурбонлари учун ижтимоий ҳужжатларнинг илғор ривожланиш даражаси ўзларининг ҳуқуқий соҳаларининг ўзгариши тезлиги (темп)га, одил судлов тизими ислохотларининг характериға ҳар доим ҳам мутаносиб келавермайди. Нисбатан типик мисол бўлиб, консерватив тизим ва умумий ҳуқуқ тамойилларини намоён этувчи Буюк Британия ҳамда Миллатларнинг Британ Ҳамдўстлиги хизмат қилиш мумкин.

Шунга биноан таққосий таҳлилдаги қийинчиликлар нафақат алоҳида нормалар ва ҳуқуқий институтларнинг таснифи билан боғлиқ, балки ҳуқуқий тизимларнинг гуруҳланиши ҳамда ушбу тизимларга асосланган давлатларнинг ўзлари билан ҳам боғлиқдир. Юқо-

⁶ “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро келишувлар ҳамда БМТнинг тавсиялари ” ҳужжатларининг тўплами. 1-нашр. М.: 1989, 112-113-бетлар.

ридагиларга кўра, хорижий адабиётларда қарашлар ва муаммолар таҳлилининг ўзи текширишларнинг объектига бевосита боғлиқ бўлган ушбу ҳолатда жабрланувчига нисбатан норма ёки тизимлаштирилган нормаларнинг комплекси олинadиган, миллий ҳуқуқий адабиётларда қабул қилинган одатий таҳлилдан анча фарқланади.

Хорижий изланувчилар бундай таққосий таҳлилнинг боришида ёки ҳуқуқий тизимларни таснифлайдилар ёки қурбонларнинг турли мамлакатлардаги ҳуқуқий мақомларини кўриб чиқадилар, контекстда эса уларнинг полиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ўзаро алоқадорлигини, шу йўл билан қурбонларнинг адолатли муносабатга бўлган ҳуқуқи, маълумот олишга бўлган ҳуқуқини, зарарни қоплатишга бўлган ҳуқуқини ажратадилар.

Мазкур ишда юқоридаги икки қарашларни жамлаш ҳаракати қабул қилинган, бу эса айнан бир мамлакатда ишнинг асл ҳолатига қайтишга мажбур қилиши, бошқа томондан эса, бизнинг фикримизча, нисбатан тўла маълумотни бериши мумкиндир. Жабрланувчининг суд процессидаги роли ва ҳуқуқлари қараб чиқилганда Европа ва Шимолий Америка давлатларининг кўпчилигининг жиноий одил судлов тизимини шартли равишда уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳда қонунчилиги жабрланувчига одатий тарзда айбланувчининг жиноий таъқибида иштирок этиш ҳамда фуқаровий даъволарини бевосита жиноят процессида келтириш ҳуқуқини берувчи шарқий Европа давлатларини (Финляндия, Норвегия, Швеция) бирлаштириш мумкин.

Иккинчи гуруҳга жабрланувчи жиноят процессида фуқаровий тараф бўлиши мумкин бўлган ва, шунга биноан, фуқаровий даъволарни келтириш ҳуқуқига эга бўлган, одил судловнинг француз тизимида бўлган Марказий ва Ғарбий Европа давлатлари (Франция, Германия, Испания) ни киритиш мумкин.

Ниҳоят, учинчи гуруҳга жиноят қурбонининг ҳолати гувоҳнинг роли билан одатий чекланган, умумий ҳуқуқ тизимидаги давлатлар (Буюк Британия, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия, Ҳиндистон)ни киритиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноят қурбонларини қўллаб-қувватловчи ҳаракатнинг тобора кенгайиб бориши билан бундай дастурлар ортиб бормокда, улар давлатнинг янги регионларини эгалламокда. Қоида бўйича эса, дастурларнинг

махаллий шароитларни, давлатнинг у ёки бу регионларини молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолдаги ихтисослашув жараёни кечмоқда.

Ушбу умумий тенденция Ғарбий Европа ва шимолий Америка мамлакатлари, Австралия Лотин Америкаси каби давлатлар учун хосдир.

Бунда аҳолининг умумий сонидаги фарқлар, жиноятчилик кўрсаткичлари, жумладан, жиноятдан жабр кўрганларнинг сонининг турлича эканлиги ҳисобга олинган ҳолда ижтимоий ҳимоя фаолиятининг доираси ҳақида тўхтаб ўтилган.

Буюк Британияда зўрлик ва шахсга қарши жиноятларининг жабрланувчиларига кўмак берувчи биринчи дастури 1974 йилда татбиқ этилган. Орадан тўрт йил ўтиб, Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда 30 га яқин шу каби дастурлар ишлаб чиқилиб, татбиқ этилади ва улар асосида ихтисослаштирилган “схема”лар – давлат жамғармалари, ҳайр-эҳсонлар ҳисобида жиноятдан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатувчи хизматчилар фаолият кўрсатган.⁷

Жиноятдан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишнинг татбиқ этилишини қуйидаги маълумотларда кўришимиз мумкин. Жумладан, 1974 йил Миллий ассоциация тузилади, 10 йил ўтгач Англия ва Шимолий Ирландияда, 1985 йилнинг бошларида 219 мингдан ортиқ жабрланувчиларга ёрдам кўрсатилган. Ушбу даврда жиноий зўрлик қурбонларига тезкор ёрдам кўрсатувчи 40та марказ яратилган, фақатгина Лондонда 1985 йилда марказда 4 мингга яқин жиноят жабрланувчиларига шундай ёрдам кўрсатилган.

Бундан ташқари кўп мамлакатларда бу соҳада изланишлар амалга оширилди, халқаро ҳамжамиятда эса бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди, улар орасида “Зўравонлик билан содир этилган жиноятлар қурбонларига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида”ги Европа Конвенцияси, “Жиноятлар қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва виктимлашувнинг олдини олиш” ҳақидаги Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг тавсияси ва бошқалар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигида ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятлар учун жазоларнинг муқобил санкциялари назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят

⁷ В.Е.Квашис. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. -М. ИОТА вепе. 1999.- 52.

кодексининг 105-моддаси 1-қисми; 139-модданинг 1-қисми бунга мисол бўлади.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қайд этилган моддаларда жиноятдан жабр кўрганларнинг ризолиги ва етказилган зарарни қоплаш даражаси ўз ўрнини топмаган.

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак, зўрлик қурбонига айланиб бораётган вояга етмаган шахсларни халқаро ҳуқуқда ва миллий қонунчилигимизда ҳам ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча масалалар ҳам мавжудки, булар ўз навбатида, бундай жиноятчиликка қарши курашда олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳисобланиб, фикримизча, жиноятдан жабр кўрган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури ва шунингдек, содир этилган жиноят туфайли жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш (реституция) ва унга ҳар томонлама зарур ёрдам кўрсатиш (компенсация) ҳақидаги махсус қонун қабул қилиниши лозимдир.